

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ТЎХТАСИН ИБОДОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БУХОРО БОЛАЛАР
ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ИМКОНияТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(1-4-синфлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD./Ped232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадримов Баҳром Худойназарович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Киямов Нишон Содикович
педагогика фанлари доктори, доцент

Мустафоев Шомурод Нормўминович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03./30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19 Деканв» соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29; факс: (0366)23917-14. E-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (83 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. (0366)239-11-51

Диссертация автореферти 2020 йил «19 Деканв» куни тарқатилди.
(2020 йил «19 Деканв» даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор.

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон санъатшунослигида Шарқ мусиқаси алоҳида саҳифани ташкил этади. Бу тизимда эса Бухоро мусиқий санъати мероси урф-одатлари, кўп асрлик тарих ва миллий қадриятга эга. Замоनावий педагогика илмида шу санъатни миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш долзарблик касб этади. Ўзбек мусиқасининг қадриятларимизга уйғун ҳолда ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилиб, ўзбек санъати, жумладан, Бухоро мусиқа мероси халқимизнинг урф-одатлари кўп асрлик анъаналари руҳида ривожланмоқда.

Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ва унда ўзбек миллати фазилатларини ифода этувчи жиҳатларнинг педагогик нуқтаи-назардан ўрганиш фан олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши болаларнинг миллий қадриятларимизга, жумладан, ўтмишдан миллий мерос бўлиб келаётган фольклор кўшиқларига тўғри муносабатни шакллантиришни назарда тутаяди.

Мамлакатимизда маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор кучайиб, ўсиб келаётган ёш авлодни шу қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Шунга кўра Бухоро мусиқа мероси ва унинг етук намоёндалари ҳаёти, ижодий фаолияти, умумий ўрта таълим мактабларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз¹” деб даъват этади. Ёшларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлишида аждодларимиз анъаналари, бебаҳо қадриятлари ва маданияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари, миллий-мусиқий мероси, хусусан, халқ кўшиқлари алоҳида ўрин тутаяди. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш методикасини такомиллаштириш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 Б.

тўғрисида”ги ПҚ-3990-сон, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги VMQ №222-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг маънавий соғлом бўлиши ва жисмоний етукликка эришиши жамият тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этиши тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилган. Бундай ғоялар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган.

Таълим-тарбиянинг долзарб масалалари, жумладан, фольклор кўшиқларини ўргатиш орқали ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг илмий-методик ва амалий тавсифлари фалсафа, педагогика, адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, маданиятшунослик соҳасида тадқиқ этилган.

С.Аннамуротова, Т.Ғофурбеков, Н.Ортиқов, С.Очилов, М.Раҳматуллаев, С.Файзулина, М.Қуроновлар бадиий эстетик, маънавий миллий тарбиясининг педагогик ечимларига алоҳида эътибор қаратганлар. А.Ш.Ҳасановнинг илмий тадқиқот ишида халқ мусиқаси воситасида ёшларни ахлоқий эстетик тарбиялаш масалалари ёритилган И.Қудратовнинг иши “Талабаларни халқ кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш” муаммолари ечимига қаратилган.

М.Қосимованинг тадқиқотида ўзбек халқ фольклор кўшиқлари орқали талаба ёшларни эстетик тарбиялаш муаммолари ишлаб чиқилган. Н.Толлибоевнинг «Узбекский песенный фольклор и формировании эмоционально-осознанного отношения к музыке у младших школьников» мавзусидаги диссертациясида эса халқ кўшиқларини онгли равишда ҳиссий англаш ҳақида фикр юритилади.

Б.Х.Мадримов томонидан «Хоразм мусиқа фольклори воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик асослари тадқиқ этилган. Шунингдек, ёш авлодга Шарқона миллий урф-одатларни сингдириш, мусиқа дарсларида ўқувчи-ёшларга ахлоқий-эстетик тарбия бериш муаммолари бўйича

И.Киргизов, Р.Маматкулов, И.Нисанов, Б.Кароматова, Д.Джамалова, Ф.Халилов ва бошқа кўплаб педагог олимлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширган.

Лекин бу ишларда умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш муаммоси тадқиқ этилмаган. Бу эса диссертация мавзусининг долзарб эканлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг методик имкониятларини тадқиқ қилиш ҳамда ўргатиш имкониятларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий - методик тавсиялар ишлаб чиқиш

Тадқиқот вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш долзарб методик муаммо эканлигини илмий-методик жиҳатдан асослаш;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнининг самарадорлигини тажриба-синовда аниқлаш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёни белгиланган, тажриба синов ишларига Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидаги 12 та умумий ўрта таълим мактабларининг 715 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқот предмети умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, умумлаштириш, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг методик муаммолари ўқув мазмунида миллий мерос намуналари ва халқнинг узоқ йиллик тарихий тажрибаси, мусиқа йўналиши мутафаккирларининг ижод маҳсулларини ифодалаш, малакавий билимларни тизимлаштиришга устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш методларини танлаш (намуналар, овоз диапазони, овоз кучи, вокал-хор малакалари, тушунарлик, тарбиявий таъсирчанлик, ижро шароитлари) ва ҳамкорликда ишлаш (қизиқтириш, ижро этиш, таҳлил, бўлаклаш, баҳолаш, хулосалаш) босқичларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш тузилмаси мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг таълимий ва тарбиявий таъсир имкониятлари (Ватан ва халққа муҳаббат, меҳнатга муносабат, жамият ва унинг аъзоларига муносабат, эстетик тафаккурни ошириш) мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

болалар фольклор кўшиқларини ўргатишга (машғулотларни лойиҳалаш, мусиқа ўқитувчилари малакасини ошириш) оид методик тавсиялар халқ кўшиқлари ва оғзаки ижод намуналарининг ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг концептуал психологик-педагогик шарт-шароитлари (қизиқиш, идрок, қобилият, бадий-эстетик тафаккур, мақсадга йўналганлик, ижодий муҳит)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг ўзига хос методикаси муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш асосида ўқувчиларни маънавий ривожлантириш усуллари такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш ва эстетик ривожлантиришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш асосида бўлажак ўқитувчиларда ўқув-услубий жарённи лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш ва фаолиятини такомиллаштириш тизими модернизациялаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар, синов майдончаларининг етарлича танланганлиги ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш таснифи аниқланганлиги, унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар илмий-назарий жиҳатдан талқин қилинганлиги, муаммонинг ечими бўйича таклиф қилинган технологиялар, ишлаб чиқилган самарали методикалар, мусиқа фани ўқитувчисининг назарий ва амалий фаолиятини инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш, яратилган ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар мусиқа дарслари мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Бухоро болалар фольклор кўшиқлари умумий ўрта таълим мактабининг 1-4-синфларида мусиқа дарслари ва машғулотларида, ўқувчиларнинг синфдан ташқари фаолиятларида оптимал фойдаланиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш методикасидан умумтаълим мактаблари мусиқа дарсларида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим фанларидан янги авлод дарсликларини яратишнинг эргономик талабларини аниқлаш, ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқишнинг меъёрий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг методик муаммолари, ўқув мазмунида миллий мерос намуналари ва халқнинг узоқ йиллик тарихий тажрибаси, мусиқа йўналиши мутафаккирларининг ижод маҳсулларини ифодалаш, малакавий билимларни тизимлаштиришга оид таклифлардан 2014-2015 йилларда бажарилган “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий кадриятлар негизда шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1527-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида мусиқа таълимида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятлар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш тузилмаси, мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг таълимий ва тарбиявий таъсир имкониятлари, болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш методларини такомиллаштириш, танлаш ва ҳамкорликда ишлаш босқичларига оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 06 январдаги 03-

ич-сон буйруғи) Ушбу ҳужжат маънавий тарбия тизимини янада ривожлантириш доирасида ўқувчиларнинг бой маданий меросимизга бўлган муносабатни шакллантириш, миллий фазилатларнинг авлоддан-авлодга етказишга хизмат қилади;

болалар фольклор кўшиқларини ўргатишга (машғулотларни лойиҳалаш, мусиқа ўқитувчилари малакасини ошириш) оид методик тавсиялар, халқ кўшиқлари ва оғзаки ижод намуналарининг ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг концептуал психологик-педагогик шарт – шароитларига оид таклифлар асосида ”Умумий ўрта таълим мактабларида Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1527-сон маълумотномаси). Натижада 1-4-синф ўқувчиларини Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида маънавий-ахлоқий шакллантириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мусиқавий қобилияти, қизиқиш ва дунёқараши самарадорлигини ошириш имконияти оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 8 фасл, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, жами 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик асослари”** деб номланган биринчи бобида ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг долзарб методик муаммолари, аҳамияти, мавжуд ҳолати хусусида илмий-назарий фикр юритилган.

Ўзбек халқ мусиқа мероси ўзининг тарбиявий имкониятлари билан бошқа санъат турларига нисбатан алоҳида жозибадорлик ва таъсирчанлик касб этади. Халқимиз ўзининг ижтимоий, маънавий тараққиётининг ҳар бир босқичида, унинг турфа кўринишлари, урф-одат ва маросимларига атаб жуда кўплаб кўшиқлар намуналарини яратган. Бу эса, узоқ ўтмишдан маданий ва маърифий жиҳатдан ўзига хос анъанага айланиб келган халқ ҳаётининг турли қирраларини бадиий эстетик ифодаси сифатида, анъанавийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиб, кишилар тарбиясига бевосита ёки билвосита кучли, бадиий-эмоционал таъсирини кўрсатиб келган.

Ўзбек халқининг бой мусиқа мероси хазинасида катта ёшдаги кишилар дунёқараши билан кичик ёшдаги болалар маънавий оламини ўзида мужассамлаштирган болалар фольклор кўшиқлари (аксарият ўйин билан узвий боғлиқ ҳолда ижро этилувчи) салмоқли ўрин тутди. Фольклор кўшиқлари мазмунида болаларнинг ўзига хос кувноқ, ўйинқароқ, содда ва беғубор ҳаёти, дунёқарашлари, болаларбоп ўйинлар, айтишувлар ва муайян воқелик билан боғлиқ жараёнларни ифода этилиши билан ўзига хос хусусиятга эга. Болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ҳам халқ мусиқасининг оммавий турлари сингари бадиий ва ғоявий мазмунга эга бўлиб, содда шакли, ижро услуби, ниҳоятда ихчам, ўйин-ракс характериға эгадир. Шуларға кўра улардан таълимий ва тарбиявий мақсадларда кенг фойдаланишда қулайлик туғдиради. Фольклор кўшиқ намуналари болаларнинг руҳий, ақлий, бадиий тафаккури ва дунёқарашиға мос соддалиги, куйлашға осон ва қулайлиги билан болалар диққатини ўзига тез жалб қила олади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчи-ёшларда миллий мусиқа санъатимизға қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш, болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш, куйлаш жараёнида уларнинг ғоявий-бадиий мазмунини англаш, идрок этиш, тасаввур этиш билан уларға ўз муносабатини билдира олиш, яъни тавсиф беришға ўргатиб бориш ва шу асосда болаларда мусиқа санъатининг аста-секинлик билан жиддий ҳамда мураккаб турларига ижодий, фаол муносабатни шакллантириш мумкин. Бу эса бугунги кунда мусиқа таълими ва тарбияси учун масъул тарбиячилар, педагоглар ва тўғараклар раҳбарлари олдидаги энг муҳим ва аҳамиятға молик вазифалардан ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқитиладиган фанлар дастури ва дарсликларида кўплаб халқ оғзаки ижодиёти намуналари билан бир қаторда халқ кўшиқ ва айтимлари ҳамда болалар фольклорига оид намуналар ҳам киритилган. Таълимнинг илк даврларидан бошлаб болаларға бундай намуналарни ўргатиш, ижро этириш жараёнида уларға оғзаки анъанадаги миллий фольклор мусиқаси, унинг етакчи жанрлари, тузилиши ва анъанавий ижро услублари ҳақида энг зарур тушунчаларни бериш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Миллий фольклор мусиқасида Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўзининг оҳангдорлиги, ўйноқилиги, жўшқинлиги, ёқимлилиги, миллий хислатларни ифодаланиши, кўшиқлар матни ёрдамида халқнинг этник

турмуштарзи ва миллий кадриятларнинг ёрқин тасвирланиши билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари. “Бойчечак” (О.Сафаров, К.Очилов), “Алла-ё-алла” (О.Сафаров), “Бўзлардан учган ғазал-ай” (О.Сафаров, Д.Ўраева), “Эл суярим, алла” (О.Сафаров), “Бухоро элида гул сайли” (Д.Ўраева, Д.Ражабов), Халқ кўшиғи ва мусиқа ижрочилиги (Д.Ражабов, Т.Ражабов) каби тўпламларда акс этирилган. Бухоро болалар фольклор кўшиқларида барча мавзуларга оид намуналарни учратиш мумкин. “Рамазон”, “Кал”, “Опа-опа анжило”, “Ҳа дўрса – дўрса, дўрса”, “Аҳо-аҳо сулфа дорем”, “Бедона”, “Жизир-жизир жаз мехурем”, “Ох дина-дина, динашба” ва бошқа кўшиқлар шулар жумласидандир.

Бухоро болалар фольклор кўшиқлари таркибидан ўрин олган овутомчок ва эркалама кўшиқлар алоҳида таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, уларга миллий кадриятларни сингдириш, аждодлар анъаналаридан хабардор қилиш ва баркамол инсон шахсини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатадиган хусусиятларга эга. Илмий-тадқиқот ишлари даврида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш муаммоси бўйича эллиқдан ортиқ дарс ёзиб олиниб, таҳлил этилди. Шунингдек, мусиқа фани ўқитувчиларидан “Эстетик тарбия беришнинг мақсад вавазифалари нималардан иборат”, “Мусиқа маданияти дарслигида Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг ўрни қай даражада ифодаланган”, “Эстетик тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат” каби саволларга жавоблар олинди. Мазкур сўровномага иштирок этган 95 нафар олий маълумотли мусиқа ўқитувчисининг саъз тасаввурга эга эканлиги аниқланди. Айниқса, аксарият ўқитувчилар дарсларда Бухоро болалар фольклор кўшиқларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни эстетик тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим? деган саволга жавоб беришга қийналганлари аён бўлди.

Тадқиқот давомида олиб борган кузатишларимиздан маълум бўлдики, мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялашга таъсир қиладиган ҳамда ўқитувчиларнинг фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эстетик тарбия моҳияти, воситалари, миллий мусиқа ва Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўртасидаги фарқларни ажрата олмаслик гуруҳи; иккинчиси, мусиқани идрок этиш, кўшиқ куйлай олиш, чолғу асбобларида куй ижро этиш, мусиқа ижодкорлиги билан шуғулланиш қобилиятига эга бўлмаганлар гуруҳи; учинчиси, фольклор кўшиқларидаги ранг–баранглик, таъсирчанлик, жозибадорликни фарқламаслик, уларни тинглай ва куйлай олмаслик гуруҳи; тўртинчиси, Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг ижроси ва рақс ҳаракатлари бўйича билимга эга эмаслик гуруҳи.

Кўриниб турибдики, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, миллий кадриятлари, ҳаётий удумларини ўзида акс эттирган Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг намуналари мусиқа дарсларида етарли даражада ўз ифодасини топмаган. Бизнингча, мактаб дарслиқларига миллий мусиқий меросимиз намуналари-халқ кўшиқлари, фольклор асарлари кўпроқ

киритилса, ёшларимизнинг маънавий, ахлоқий ҳамда эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот давомида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ҳам болалар фольклори кўшиқлари бўйича тушунчалари ўрганилди. Уларга “Сизнинг Бухоро болалар фольклор кўшиқлари тўғрисида фикрингиз ва унга муносабатингиз”, “Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат”, “Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг ўқувчиларни эстетик тарбиялашдаги ўзига хослиги нимада деб ўйлайсиз”, “Бўлажак педагог сифатида Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига таъсирини қандай тушунасиз” каби саволлар берилди.

Ўқувчилар томонидан олинган жавоблар таҳлили уларда Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш ҳақидаги билимлари етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида тарбиялаш ва унга қизиқувчилар сони озчиликни (35%) ни ташкил этди.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, улар овутомчоқ ҳамда эркалама кўшиқлар моҳиятини тўғри тушуниши ойдинлашди. Бироқ бу билим муайян тушунча, тасаввур шаклида мавжуд. Чунки сўровномада қатнашган ўқувчиларнинг 80% Бухоро болалар фольклор кўшиқлари намуналари, хусусан, овутомчоқэркалама кўшиқларини ижро эта олмасликлари, 12% и ижро этишда қийналиши, 8% игина бир неча фольклор кўшиқларини бемалол ижро қила олишга қодирликларини билдирди. Жавобларда, шунингдек, фольклор кўшиқларининг ўқувчиларни эстетик тарбиялашда алоҳида ўрин тутиши, уларнинг эстетик диди, маданиятини шакллантиришда муҳим восита эканлиги ҳам қайд қилинган. Масалан, “Бўлажак педагог сифатида Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига таъсирини қандай тушунасиз ”деган саволга: “Бухоро мусиқа фольклори ўқувчиларни эстетик тарбиялашда таъсири жуда катта. Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўқувчиларда маънавий–ахлоқий сифатларни ривожлантиради”, “Ўқувчиларни маънавий етукликка йўллайди”, “Замонавий кўшиқларга нисбатан Бухоро фольклор кўшиқлари бола тарбиясига кучли таъсир қилади, бунинг боиси ушбу кўшиқларда мардлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садоқатлиликнинг юқори даражада ифодаланишидадир” каби жавоблар.

Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф мусиқа маданияти фани таркибида Бухоро болалар фольклор кўшиқлари намуналарини кўпроқ сингдириш ҳақидаги саволга ўқувчилар “дарсликда Бухоро болалар фольклор кўшиқларидан кўпроқ берилиши мақсадга мувофиқ”; “Замонавий кўшиқлар билан бирга Бухоро болалар фольклор кўшиқлари намуналари берилса ўқувчиларнинг маънавий–ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатар эди”; “Ўқувчиларни тарбиялашда педагогика ҳамда мусиқа фанларининг уйғунлигига алоҳида эътибор бериш зарур”; “Мусиқа дарсларида ўқувчилар эстетик тарбияланади” каби фикрларни баён этдилар. Бу саволга 70–75% ўқувчилар дарсликларга Бухоро болалар фольклор

қўшиқларидан намуналар кўпроқ киритилишини маъқуллашлари, ўз навбатида мазкур йўналишни янада ривожлантириш кераклигидан далолат беради.

Ўтказилган сўровлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан олиб борилган суҳбатлар, анкета саволларига жавобларнинг таҳлили қуйидаги **хулосаларни** чиқариш имконини берди:

1. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялашда Бухоро фольклор қўшиқларининг ўрганишга алоҳида вақт ажратиш;

2. Мусиқа маданияти фани ўқитувчиларига Бухоро болалар фольклор қўшиқларининг ижроси бўйича курслар ташкил қилиб, уларнинг назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш;

3. Мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш тизимига Бухоро болалар фольклор қўшиқлари воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялашга оид амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш йўллари, усул ва методларини ишлаб чиқиш;

4. Бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш тизимини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш;

5. Мусиқа маданияти ўқув фани учун тузиладиган дастур ва дарсликларда Бухоро болалар фольклор қўшиқлари намуналарига алоҳида соатлар ва бўлимлар ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўргатишнинг шакл, усул ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобда умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнининг мазмуни, умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўргатишнинг шакл, метод, воситаси, умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор қўшиқлари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш модели хусусида фикрлар баён этилган.

Бухоро фольклор қўшиқларини болалар боп намуналарини танлашга жиддий ёндошиш лозим. Бунда ўқувчиларнинг ёши, психологик-физиологик хусусиятларига кўра асарнинг ўйинбоплиги, шўх, қувноқ, муайян рақс ва жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда ижро этиш ҳолатини эътиборга олиш; қўшиқни болаларнинг қуйлаш имкониятларига (овоз диапазони, овоз кучи, вокал-хор малакалари) мослигига; қўшиқ матнини тушунарлилиги, ғоявий-бадий мазмунини тарбиявий таъсирчанликка эгаллигига; асарларни ўрганиш ва ижро этиш учун мавжуд шарт-шароитларга тўғри келишлигига алоҳида эътибор бериш керак. Танланган қўшиққа нисбатан болаларда муайян қизиқиш уйғотиш (суҳбат, ҳикоя); қўшиқни ўқитувчи томонидан чолғу сози жўрлигида ижро этиш; асарнинг ғоявий-бадий мазмунини таҳлил қилиш; қўшиқ оҳанги, парда-тузуғи, шакли, характери, ижро этилиш тарзи ҳақида тушунча бериш; қўшиқни кичик бўлақларга бўлиб ўрганиш; қўшиқни ўзига хос ижрочилик услуби (маҳаллий услуб, шева, кийим), тематикаси (мавсум, маросим, урф-одат, табиат, ўсимликлар, ҳайвонотлар олами) билан боғлиқлик хусусиятларига болалар диққатини қаратиш; қўшиқни бадий

ижроси устида ишлаш; таассуротлар юзасидан суҳбат, савол-жавоб, баҳс-мунозара ўтказиш; ижрони баҳолаш, хулоса қилиш лозим.

Ўқувчиларга фольклор кўшиқлари ҳақида назарий маълумотлар бериш, асарни ижро этиш ва таҳлил қилишда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган анъанавий ҳамда ноанъанавий иш усуллари, техник ва кўргазмали воситалар қандай самара бериш мумкинлигини амалий тажрибалар орқали синовдан ўтказдик ва бу фаолиятдаги таълимий ишлар бир қатор босқичлар кетма-кетлигида амалга ошириб борилиши ижобий самара беришига ишонч ҳосил қилдик:

1. Дарс ёки тўғарак машғулотида тинглаш ёки куйлаш учун танланган кўшиқни видео, магнит ёзувини техник восита орқали тинглаш;

2. Ўқитувчи томонидан миллий чолғу асбоби ёрдамида намуна бадий маҳорат билан жонли тарзда ижро этиш;

3. Кўшиқ матни, унинг мазмунида ифодаланган ғоявий- бадий мазмун-воқелик, лирик кечинмалар, образлар моҳияти ҳақида қисқа, қизиқарли суҳбат ўтказиш;

4. Кўшиқнинг нота ёзувига таянган ҳолда тоналлиги, ўлчови, ритми, темпи, диапазони ҳақида назарий маълумотларга ўрин бериш;

5. Кўшиқни кимлар томонидан, қандай ҳолатда, услубда, ижро этилиши, машҳур ижрочилари, маълум бўлса муаллифлар ҳақидаги маълумотларга тўхталиб ўтиш. Бунда суҳбат, савол-жавоб, мунозара ва муаммоли вазиятлардан фойдаланиш;

6. Ижодий жамоаларга “ижодий саёҳат”лар уюштириш;

7. Кўшиқлар матни устида алоҳида ишлаш. Бунда сўз талаффузи (диксия), интонация, вокал-хор техникасига оид машқлардан унумли фойдаланиш, кўшиқнинг матнидаги болалар учун нотаниш сўзларни (шеваларга хос бўлган, ҳозирда истемолда кам қўлланиладиган, ёки истемолдан чиқиб кетган сўзлар) шарҳлаш, изоҳлаш;

8. Таниқли хонандалар, ижодий жамоалар раҳбарлари мутахассислар билан учрашув, суҳбатлар ўтказиб туришга ҳам ўрни билан вақт ажратиш;

9. Кўшиқни қисмларга бўлиб ўргатиш: а) кўшиқни чолғу жўрлигида ўқитувчига эргашиб куйлаш; б) ўқувчилар эътиборини кўшиқ (куй)нинг усулига қаратиш.

Ўқувчилар томонидан ритм-усулни ҳис этиб куйланишига диққатни қаратиш; г) сўзларни мусиқий оҳангга мосталаффуз этилиши устида ишлаш;

д) миллий оҳанг, нола, қочирим-безаклар устида ишлаш, эмоционаллик эътибор бериш: (куйлаш пайтида ўйин- ҳаракатлари, қарсақлардан ўз ўрнида фойдаланиш ўқувчиларни кўшиқни енгил ва қизиқиш билан ўрганишларига ёрдам беради); е) кўшиқ қайси маҳаллий услубга хослиги, қандай ҳолат, вазиятда ижро этилиши ҳақидаги маълумотларга ҳам ўз ўрнида вақт ажратиш; ё) асарни яхлит ҳолда куйлаш. Бадий ижро этиш.

Таълимнинг бу хилдаги шакл ва усулларининг самарадорлик даражаси Бухорода болалар томонидан куйланган “Рамазон”, “Опа-опа анжило”, “Ҳа дўрса – дўрса, дўрса”, “Аҳо-аҳо сулфа дорем”, “Бедона”, “Жизир-жизир жаз мехурем”, “Оҳ дина-дина, динашба”, “Дупар газит”, “ Уштур ба чаман” каби

кўшиқлар матнини ёзиб олишимиз, ноталаштириб ўқувчиларга ўргатишимиз жараёнида ўз тасдиқини топди.

Бухоро болалар фольклор кўшиқлари бадий-эстетик тафаккур маънавий-ахлоқий фазилатларнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бадий сўз, эпчил ва чакқон ҳаракатлар, пантамимо, имо-ишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги ва чолғу созларининг мусиқий жозибadorлиги (уд дутор, най, ғижжак, гармон, доира, рубоб, чанг, ва б.) бадий-эстетик тафаккурни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Улар болаларда энг яхши инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, одамларга ишонч, дўстларга садоқат тўйғулари ва унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлигини шакллантиради. Шуларга кўра Бухоро болалар фольклор кўшиқлари ўқувчилар учун илк тарбия дарслиги, маънавий-ахлоқий бойликларнинг битмас-туганмас хазинасидир.

Юқорида келтирилган фикрлардан аён бўладики, Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш долзарб педагогик муаммо сифатида ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнининг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда мазкур ишларнинг таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишга оид тажриба-синов ишларида, педагогик фаолиятни амалга оширишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- ўқувчилар, ота-оналар ва турли санъат арбоблари билан суҳбат ва учрашувлар ўтказиш, интервьюлар; турли анкета саволларига жавоблар олиш;- тажриба-синов материалларини ўрганиш;- педагогик кузатиш; экскурсия; - мунозара ва баҳслар;- интерфаол методлар; моделлаштиришга.

Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш механизмлари йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишлари учун аниқ тизим ишлаб чиқилди ва бу тизим қуйидагиларда ўз ифодасини топди: Бухоро болалар фольклор кўшиқларининг мазмунини англаб етишнинг муҳимлигини билиш; ўқувчиларнинг кўшиқларни ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилиш даражасини аниқлаш; кўшиқларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантиришнинг самарали йўллари аниқлаш; кўшиқларни интеллектуал-эмоционал ҳис қилишнинг 1-4-синф ўқувчиларига хос хусусиятларини белгилаб олиш; кўшиқлардан фойдаланилган турли мусиқий жанрларни мақсадли ўрганиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ҳислари, қарашлари ва ишончини тарбиялашга эришиш; мусиқа

дарсларида кўшиқларни ўргатиш орқали ўқувчиларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш.

Амалга оширилган ишлар ўқувчиларга Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш орқали берилиши мумкин бўлган таълим-тарбиянинг кўлами, даражаси, мазмуни ва имкониятларини аниқлаб олиш ҳамда шу мақсадда тажриба-синов ишларини ўтказишни қай тарзда режалаштириш лозимлигини белгилаб олишга имкон берди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида савол-жавоблар тажриба-синови ўтказилди. Унда 1-4-синфгача бўлган 715 дан ортиқ ўқувчилар жалб қилинди ва уларнинг Бухоро болалар фольклор кўшиқларига бўлган муносабати ҳамда савияси аниқланди.

Тадқиқот муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, ушбу соҳада яратилган илмий услубий манбалар, савол-жавоблар мазмуни билан танишиб чиқиш асосида амалий тажриба-синов ишларининг қай тарзда кўйилишига жиддий эътибор берилди. Бу тадқиқот ечимида ўзига хос босқич бўлиб, илгари сурилаётган назарий ғояларни амалиётда қай даражада ўз исботини топаётганлигини аниқлашдан иборатдир. Шу мақсадда ушбу фаолиятнинг умумий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларидан фойдаланиш юзасидан тажриба-синов ишларидан кўзда тутилган мақсадни ижобий ҳал этиш учун унинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа таълими жараёнида Бухоро болалар фольклори кўшиқларига эътибор ва мавжуд муносабатни ўрганиш.

2. Тажриба-синов ишларининг лойиҳаси асосида тайёрланган машғулотлар мазмуни билан мусиқа ўқитувчиларини таништириш, ижобий самарадорликка эга деб фараз қилинган иш услублари, шакл ва методларини амалда қўллаш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб бориш.


3. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш имконияти борасида ўзига хос муаммоларни аниқлаб, уларни аста-секин бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш.

5. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларида Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбияни амалга ошириш мақсадида кўзланган самарали машғулотлар, иш шакл ва усулларини такомиллаштириб бориш ва амалий сўров, мунозара, ижрочилик билан боғлиқ билим, малакаларига таянган ҳолда машғулотларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тажриба-синов ишлари 3 босқичда ташкил этилди: а) ташкилий босқичда тажриба-синов ишлари мазмунини ёритувчи лойиҳа ва ишчи режа ишлаб чиқилди; б) асосий босқичда Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлар яратилди; в) якуний босқичда тажриба-синов ишлари натижалари умумлаштирилди ва таҳлил қилинди.

Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишга йўналтирилган фаолият

ўқувчиларни санъатга жалб қилишнинг энг қулай ва оммавий шакли бўлди. Шунинг учун ҳам ўзимиз тузган дастур ва қўлланмаларни кўпгина умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа ўқитувчиларига тарқатдик, ўзимиз қўллаган таъсирчан усул ва шакллардан фойдаланишни тавсия қилдик. Улар билан изчил алоқани йўлга қўйдик ва олиб борилаётган ишларнинг самараларини кузатиб бордик. Натижалар бизнинг дастур, қўлланма ва тавсияларимиз тадқиқотимизнинг бош мақсади йўлида юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқлади. Биз Бухоро болалар фольклор кўшиқларини қуйидаги фаолиятлар орқали ўргатиш мумкинлигини тавсия қиламиз.



1-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш модели (1-4-синфлар мисолида).

Тажриба-синов натижалари ўқувчиларнинг Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш даражаси уларнинг: 1. Қизиқиш ва мақсадга интилиш; 2. Фаоллик; 3. Ҳиссий идрок; 4. Таҳлилий идрок; 5. Мустақил ижодкорлик; 6. Юқори даражадаги ақл-заковатга эга бўлиш хислатлари орқали яққол намоён бўлишини кўрсатди.

